

YANGIYOV TUMAN
AXBOROT-KUTUBXONA MARKAZI
INV № _____

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ВА ЎЗARO MANFAATLI HAMKORLIKNI RIVOJLANTIRISH MUHOAMA QILINDI

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 23 октябрь куни БРИКС бирлашмаси давлатларининг саммитида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Қозон шахрига келди.



Аэропорлда давлатимиз раҳбарини Татаристон Республикаси Раиси Рустам Минниханов ва бошқа расмийлар кутиб олди. Давлатимиз раҳбари Қозон шахрига ташрифи доирасида давлат Хиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан учрашув ўтказди.

Учрашувда Ўзбекистон — Хиндистон стратегик шериклик муносабатлари ва кўп қиррали ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Юқори технологиялар, сунъий интеллект, санат, энергетика, фармацевтика, транспорт коммуникациялари бўйича дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилда Ҳукуматларо комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ва бизнес форуми ўтказилди, шунингдек, санат кооперацияси бўйича ўрта муддатли дастур қабул қилишга келишиб олинди.

Мамлакатларимизда Маданият ва кўноқ кунлари, табиғий ва спорт соҳаларида ҳамда ёшлар иштирокида, шу жумладан, ёшларнинг парламент ташкилотлари доирасида кўшма тадбирлар ўтказиш таклифи билдирилди.

Етакичлар булажак олий даражадаги тадбирлар режасини ҳам муҳокама қилдилар. Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан учрашувда Ўзбекистон — Туркия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш бўйича долзарб масалалар атрофида кўриб чиқилди.

Икки давлат раҳбарлари сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиционий, маданий ва гуманитар соҳалардаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлигини таъкидладилар. Президентлар фаол мулоқотлар ва самарали алмашинувларни давом эттириш зарурлигини қайд этдилар.

Геология ва минерал ресурсларни казиб чиқариш, электротехника, машинасозлик, ёғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа соҳаларда кооперация лойиҳаларини илгари суриш масалалари алоҳида эътибор қаратилди. Қўшма маданий-гуманитар тадбирларни мунтазам ўтказиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Етакичлар халқро ва минтақавий кун тартибининг муҳим жазғалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

БРИКС саммити тадбирлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бирлашмаини Янги тараққиёт банки президенти Думя Русефин қабул қилди.

Ушбу инфузали кўп томонлама молиявий институт билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Таълим ва технология ривожланиши соҳасидаги дастур ва лойиҳалар, иккинчи соҳани қўллаб-қувватлаш, санат, инфратузилма ва логистикани модернизация қилиш, рақамлаштириш, энергетика ва коммунал тармоқлар шериклигининг истиқболли йўналишлари сифатида қайд этилди.

Ҳамкорлик бўйича аниқ лойиҳаларни тайёрлаш учун қўшма экспертлар гуруҳини тузишга келишиб олинди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Сбербанк" президенти ва бошқаруви раиси Герман Гребин қабул қилди.

Учрашувда рақамли технологиялар, инновациялар ва таълим соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Тошкент шахрида рақамли технологиялар соҳасида юқори малакали мутахассислар ва муҳандислар тайёрлашга ихтисослашган "Мактаб 21" таълим муассасасининг иккинчи қаммаси иш бошлаганидан мамнуният билдирилди.

Шунингдек, банк сектори ва шаҳар инфратузилмасини бошқаришда самарали рақамли ечимларни жорий этиш бўйича муҳим қўшма лойиҳалар қайд этилди.

Кўннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БРИКС саммитида иштирок этган делегациялар раҳбарларини кутиш маросимида қатнашди.

"Қазини Экспо" халқро кўргазмалар марказида давлатимиз раҳбарини Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин кутиб олди.

Маросида бир қатор мамлакатларнинг давлат ва ҳукуматлари, халқро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари ҳам иштирок этиди.

Тадбирдан сўнг тантанали қабул маросими ўтказилди. Шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёев БРИКС саммити доирасида Хитой Халқ

Республикаси Раиси Си Цзиньпин ва Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси билан суҳбатлар ўтказди.

Икки томонлама кун тартибидagi долзарб масалалар ва олий даражада эришилган келишувларнинг амалга оширилиши муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозон шахрига ташрифининг биринчи кунинда Татаристон Республикаси Раиси Рустам Минниханов билан ҳам учрашув ўтказди.

Ўзбекистон ҳудудларининг Татаристон билан ўзаро манфаатли ва кўп қиррали ҳамкорлигини янада кучайтириш масалалари муҳокама қилинди. Сўнгги йилларда етакчи корхоналарининг санат кооперацияси ва фаол гуманитар алмашинув ўзининг амалий натижаларини бераётгани мамнуният билан қайд этилди.

Фаол мулоқотлар ва ўзаро ташрифларни давом эттириш, Ўзбекистон ҳудудида қўшма иқтисодий ва санат зоналари фаолиятини кенгайтириш юзасидан келишувга эришилди.

Қозон шахрига ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Татаристон Республикасининг давлат мукофоти — "Дўстлик" ордени билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Юксак мукофотни давлатимиз раҳбарига Татаристон Раиси Рустам Минниханов тантанали равишда топширди.

Президентимиз ушбу орден билан Ўзбекистон ва Татаристон ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, халқлар ўртасида дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун мукофотланди.

Мамлакатимиз етакчисини Татаристон раҳбарига мукофот учун самимий миннатдорлик билдириб, Сўнгги йилларда Ўзаро ҳамкорликда юқори натижаларга эришилгани мамнуният билан қайд этди ҳамда Татаристон халқига эзгу тилакларини билдирди.

24 октябрь кунин Ўзбекистон етакчисини "БРИКС плюс" форматидagi саммитнинг ялпи сессиясида нутқ сўзлайди.